



2015/03 №23

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat institutining ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy, axborot gazetasi

INO'NI PARVOZ

Аёлни улуғлаш отлани, ҳаётини, Ватанни улуғлаш демакдир. Бу ҳақиқат ҳар биримизнинг олимизга ҳо бўлиши, баъра хайрли ишларимизнинг мезонига айланишини истардим.

Ислом КАРИМОВ



ГЎЗАЛЛИК, НАФОСАТ ВА ЭЗГУЛИК БАЙРАМИ ҚУТЛУФ БЎЛСИН!

Мана, юртимизга фасллар келинчаги бўлмиш, баҳор фасли кириб келди. Бу гўзал фаслда байрамлар уйғунлиги киши дилини қувонтиради. Мамлакатимизда 8 март — Хотин-қизлар байрами, 21 март — Наврўз байрами ўзгача шукуҳ ва кўтаринки руҳда кутиб олинади.

Истиқлол йилларида юртимизда аёлларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Оиланинг таянчи ва устуни бўлган аёлларимиз истиқлолни мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг буюк келажagini яратиш йўлида, Она-Ватанимиз, мустақиллигимиз келажаги бўлмиш баркамол фарзандларни тарбиялаш борасида тинмай меҳнат қилмоқдалар.

Оиланинг мустаҳкамлиги, жамиятнинг саломатлиги аёлга боғлиқ. Аёлнинг суварти ва сийратига наинки оилани, балки жамиятни бошқарувчи куч ҳамда ҳаракат бор. Аёл деганда, мунис она, меҳрибон сингил, суюкли ёр, куюнчак ва оқила раҳбар кўз олдимизга келади. Аёл бир сирли китобки, уни арақлаган сари очилмаган қирралари очилаверади, кишини сеҳрлаб бораверади. **АЁЛ** сўзини эшитган заҳоти руҳиятимизга хотиржамлик, вужудимизга ҳарорат қуюлгандек бўлади.

Азиз аёллар, ҳурматли опа-сингиллар!

Санъат ва маданият боғида ўсиб, камолот сари юксалиб бораётган ёш авлодни тарбиялашда шарафли касбингиз, ҳалол меҳнатингиз билан сидқидилдан ишлаб келмоқдасиз. Айни замонда жуда мураккаб ва масъулиятли ишларни бажаришга ҳаракат қилиб, бор маҳоратингизни ишга солиб, илмий-ижодий ишлар-

да ўзингизни кўрсатиб, шу институтнинг жонкуяри сифатида меҳнат қиялпсиз. Республикамиз таълим муассасаларида аёл фан докторлари ва фан номзодлари илм йўлида изланишлар олиб бориб, турли фан соҳаларида янгиликлар яратишмоқда. Жумладан, санъат ва маданият соҳасида янги қирраларни кашф этаётган аёл профессор-ўқитувчилар талабаларни ўз фарзанди сингари тарбиялаб, баркамол шахс сифатида шаклланишида беқиёс хизмат кўрсатишмоқда. Бугунги кунда институтимизда 55 нафар аёл профессор-ўқитувчиларимиз фаолият кўрсатмоқда, 520 нафар талаба қизларимиз таҳсил олишмоқда. Биргина 2014 йил сарҳисобига эътибор берадиган бўлсак, ёшларни фан олимпиадаларига жалб этиш, уларнинг илмий ишларига раҳбарлик қилиш, янги ўқув адабиётлар авлодини яратиш, Республика ва Олий таълим муассасалари миқёсидаги турли хил танловларда, маънавий тадбирларда, спорт мусобақаларида иштирокини таъминлаш, диплом спектакллари саҳналаштириш, класс-концертлар, мастер-класслар, илмий семинар ва конференциялар ўтказиш, қолаверса, институтимиз қиёфасини янада гўзаллаштиришда, ҳуллас, барча жабҳаларда қўлга киритилган ютуқларда Сизларнинг ҳиссангиз беқиёсдир.

Жамоада аҳиллик асосий нарса. Аҳиллик ўрнатилган масканда, албатта, эзгу ишлар ва олий мақсадлар амалга ошади.

Ҳурматли аёллар, сизларга бўлган меҳр-муҳаббатимиз қалбимиз тубидан ўрин олган. Гўзаллик ва нафосат байрами билан ҳаммангизни муборакбод этаман. Сизларга оилавий бахт, илмий-ижодий ишларингизга улкан муваффақиятлар тилайман.

Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ
Институт ректори



*Аёлларнинг қўшилсин ёшига ёш,
Шаҳло кўзларидан оқмасин кўз ёш,
Иқболида порласин бахтдан куёш,
Бахти баркамолдир ўзбек аёли.*

*Бири Нодирадир, бири Барчиной,
Қалби олов, гуллардан олган чирой,
Келажаги порлоқ, юзи мисли ой,
Пазанда, чевардир ўзбек аёли.*

*Гулбаҳорлар гул-гул яшнаб турсалар,
Наврўзойлар бахтдан порлаб юрсалар,
Тун ёришар ҳар биттаси кулсалар,
Бахт учун яралган ўзбек аёли.*

*Фарзанд деса, ўзлигидан кечарлар,
Ширин уйқу, ёшлигидан кечарлар,
Тунлар уйқу билмай, алла айтарлар,
Болажон, фидойи ўзбек аёли.*

*Борки эркак сенга фидо бўлсинми,
Йигитлар кўйингда адо бўлсинми,
Сахий Эркин таърифини қилсинми,
Таърифи дostonдир ўзбек аёли...*



Наврўз муборак!

*Фасли баҳоринг гул очди бу кун,
Боғу роғларингда учди капалак.
Соатлар бонг урди, тенглашди кун-тун,
Озод юртим сенга Наврўз муборак!*

*Дилларни хуш қилиб, қийғос очилиб,
Ўриклар гуллади, бодом гуллади.
Ариқлар бўйида ялпиз сочилиб,
Қорлар жилға бўлиб тоғдан қулади.*

*Истагим ҳар кунинг навбаҳор бўлсин,
Хирмонинг мўл бўлсин, бошоққа тўлсин.
Дошқозонингда қайнаб турсин сумалак,
Ўзбекистон юртим Наврўз муборак!*

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
Санъатишунослик журналистикаси
бўлими 4-курс талабаси



Муқаддас айол!

Jannat, bu eng muqaddas, ezigulik nurlari porlab turadigan nafis tarovatli go'sha. Ollohimning dili pok, ko'ngli toza, farishtadek begunoh bandalari uchun tuhfa etilgan maskan. Jannat yaratgandan so'ng Ollohim tabiat, hayot, butun olamni va jonzoatlarni yaratgan. Biroq shunda ham yer yuzi mukammal bo'lmagan. Shundan so'ng Qodir egam bir farishtani, go'zallik ma'budasini yaratdi. Shundagina olam mukammallik darajasiga chiqdi. Bu yaratilgan ulug' zot, betakror xilqat — ayoldir. Ularga butun dunyo bosh egadi, uning oldida, hatto donishmandlar ham o'zlarini oddiy insonga qiyos etadilar.

O'sha barchamiz tashrif buyurishni bir umr Ollohdan nola qilib so'rgan maskanimiz jannat, shu bebaho insonlarning oyog'i ostida. Chunki ayol Olloh yaratgan mo'jizalarning eng buyugidir.

Uni e'zozlaydilar, qadrlaydilar. Doimo uning ko'ngil qulfini ochishga urinadilar. Lekin u bahor faslidek nozik, kumush qish kabi sof, shu bilan birga, kuz shamolidek qaysar tabiatga ega. U yechib bo'lmaz jumboqqa o'xshaydi. Ayolning tilsimot oynasi, ya'ni qalbini rom etish mumkin, biroq uni mukammal o'rgana olmaysan. Chunki u siru sinoatlardan barpo bo'lgan mo'jizaga o'xshaydi.

Uning bag'ri tubi yo'q ummon qadar keng, otash kabi qaynoq. U kelajak avlodning yaratuvchisidir. U ona, u suyuqli yor, jonkuyar va hamisha fidokor inson. Butun umrini farzandiga bag'ishlaydi.

Ayol — buyuk murabbiy. U donishmandlarni, olimu fozillarni tarbiyalab beradi. Shuning uchun ham u hamisha ardoqli.

Keling azizlar, bu hayotda ana shu pokiza zotlarning mehrli ko'zlariga boqib, ularni yaratgan Ollohimga hamdu sanolar aytib yashaylik.

Luiza NORMATOVA
Kasb ta'limi: cholg' u jamoalariga rahbarlik
bo'limi 3-kurs talabasi

МЕН ОФТОБГА АЛИШМАГАН АЁЛЛАР

Барча замонларда ҳам аёл васфи куйланиб, унинг гўзаллиги мадҳ этиб келинган. Айниқса, бу шарафли вазифа ижодкорлар чекига тушганида ўз ўрнида адо этилгандай, керакли сўзлар айтилиб, дилга яқин оҳанг топилгандай бўлади. Институт профессор-ўқитувчилари ва истеъдодли ёшлари томонидан тайёрланган «Мен офтобга алишмаган аёллар» номли байрам концерти юқоридаги сўзларимизнинг исботи бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Тадбирни дастлаб институтимиз ректори Б.Сайфуллаев самимий дил сўзлари ва байрам табриги билан очиб берди. Сўнгра баҳор таровати, унинг фусункор сеҳрини тараннум этувчи қўшиқлар гулдастаси бирин-кетин тақдим қилинди.

Концерт дастурининг асосий қисми мунис ва мўътабар онажонларимизга бағишланди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист А.Дадаев, «Ниҳол» Давлат мукофоти соҳибдори М.Исломов ҳамда иқтидорли талабалар Н.Азимова, М.Элов, З.Мамадалиевлар ижросидаги «Меҳрибон онам», «Она мадҳи», «Она», «Онажон сен айтмасанг алла» қўшиқлари ва вокал кафедраси ўқитувчиси Д.Узоқовнинг «Тавалло» монологада ўзбек оналарининг нурли сиймоси, меҳрга

ДУНЁ ИБРАТ ОЛАР ХОТИН-ҚИЗЛАРДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 февралдаги «8 март — Хотин-қизлар куни»ни кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қарорига асосланиб, филиалимизда бу баҳор байрамига катта тайёргарлик кўрилди. Филиалимизнинг Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси М.Хожанова бошчилигида 6 март куни Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти Нукус филиалида «8 март — Халқаро хотин-қизлар куни»га бағишлаб «Дунё ибрат олар хотин-қизлардан» номли кўрик-танлови ўтказилди. Кўрик-танловда филиалимизнинг ҳар томонлама фаол, тиришқоқ қизлари 3 та шарт бўйича ўз иқтидорларини намойиш этишди. Танловнинг бошида Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали директори Пахратдин Палуаниязов сўзга чиқиб, барча аёл, қизларни байрам билан қутлаб, аёлларнинг жамият ва ҳаётда тугган ўрни ҳақида тўхталиб ўтди.

Гўзал қўшиқ билан бошланган тадбир иштирокчиларнинг белгиланган: «Таништирув», «Савол-жавоб», «Ўз хунарингни намоеён қил» шартларини моҳирона намойиш этишлари билан давом этди. Тадбир жараёнида аёллар ва қизларга совға сифатида филиалимизнинг талаба йигитлари томонидан тайёрланган бир қатор қизиқарли саҳна кўринишлари ҳам тақдим қилинди. Танлов якунига кўра: «Баҳор маликаси»



тўла қалби, сабр-қаноати тараннум этилди. Гўзал аёлларимиз ва дилбар қизларимиз учун Ўзбекистон халқ артистлари З.Суюнова, Х.Лутфуллаев, институтимиз профессор-ўқитувчилари И.Жуманов, Э.Ёрбеков, О.Ёрова, Г.Худойназарова, А.Талабоев, Р.Аланбоев, Б.Қудайберганаева, Б.Мирҳалилов ҳамда ўқув театри хонандалари Ф.Валиева, «Элдидо» гуруҳи йигитлари томонидан тайёрланган ижодий, бадий чикишлар ҳавола этилди. Шунингдек, тадбирда «Шаҳриобод» маҳалласининг фаоллари ҳам меҳмон бўлишди.

Қувонарли томони шунда бўлдики, бу галги байрам дастури ҳам аввалгилари сингари устоз-шогирд анъаналари асосида ташкил этилди. Ёш ижодкорлар С.Рўзиева, Ю.Жонибекова, Ш.Пирназарова, М.Ғофурова, Ҳ.Турдибоев, Г.Абдуллаева, Г.Тожимирзаева, И.Уразметов ҳамда 2-курс мусиқали драма, кўғирчоқ театри актёрлиги талабаларининг мазмунли чикишлари тадбирга байрамона рух, кўтаринки кайфият бағишлади.

Умида ҲАСАНОВА
Таҳририят ва нашриёт бўлими муҳаррири

номига филиалимизнинг мусиқали театр актёрлиги бўлими 1-курс талабаси Гулсанам Абатбаева лойиқ деб топилди. Эстрада актёрлиги 2-курс талабаси Замира Юнусова «Энг зийрак қиз», фольклор жамоаларини бошқариш бўлими 2-курс талабаси Гавҳар Нуратдинова «Энг чаққон қиз», шу бўлимининг яна бир талабаси Кумушой Есназарова «Энг билимли қиз» номинациясига лойиқ деб топилган бўлса, маданият бўлими 1-курс талабаси Тозагул Мамбетназарова «Энг хунарли қиз», вокал жамоаларини бошқариш бўлими 1-курс талабаси Соҳибжамол Жуманиёзова «Энг иболи қиз» деб топилди. Кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги бўлими 1-курс талабаси Зорухон Курбаниязова эса фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Шу билан бирга тадбир якунида иштирокчилар, филиалимизнинг бир қатор иқтидорли, жамоат ишларида фаол, зийрак қизлари фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Меҳрибан ХОЖАНОВА,
ЎзДСМИ Нукус филиали Режиссёрлик
ва актёрлик маҳорати кафедраси ўқитувчиси
Ақида ОДАМБОЕВА
Кино, телевидение ва радио овоз режиссёрлиги бўлими
1-курс талабаси



ШАРҚ АЁЛИНИНГ ТИМСОЛИ

Шоира Зулфиянинг беағи унинг овозида эди... Зулфиянинг бутун шеърый ижоди — бу қадрдон Ўзбекистонга, меҳнаткаш инсонларга муҳаббат ва ер юзидаги ҳақиқатга бағишланган илҳомбахш мадҳиялардир.

Истеъдодли шоира жозибали назмий асарлар муаллифи. Унинг асарлари нафис лиризм, лирик қаҳрамон руҳий оламининг ёрқин ифодалангани, ҳис-туйғуларнинг самимийлиги билан ажралиб туради... Кўплаб шеърлари заҳматкаш кишилар ҳақида бўлиб, уларда инсон гўзаллиги, унинг маънавий олами тасвир этилади. Шоира асарлари чуқур ички ҳиссиёт тасвирига, нозик туйғулар, инсон руҳий олами, она Ватанга, меҳнаткаш халқимизга меҳр-муҳаббат руҳига йўғрилган. Унинг шеърларидаги жозоба уммонданда кучлидир...

Шоира қайта бормасин, оташин сўзи билан Шарқ аёлининг гўзал тимсоли бўлиб меҳр қозонди. У ҳам таржимон, ҳам жамоат арбоби сифатида кўзга ташланган. Зулфияхоним Халқаро Жавоҳарлаъл Неру, «Нилуфар» мукофотлари билан тақдирланган. Унинг аксарият шеърлари тинчлик ва халқлар дўстлигига бағишланган, ватанпарварлик, ҳамдўстлик туйғуси билан суғорилган.

Шоиранинг энг машҳур «Хулкар», «Ҳаёт варақлари», «Юрагимга яқин кишилар», «Соғинч сатрлари», «Кўёшли қалам», «Шаршара», «Висол», «Камалак», «Шом билан тонг ора» каби тўпламлари мухлисларнинг маънавий мулкига айланган. Унинг асарлари, шеърлари қуёш мисоли ҳар бир китобхоннинг онгини юксалтиришга ошиқади.

Шоира оташ шеърлари, сув каби зилол қалби, гуллардек нафис қалам тебратиш санъати ила ҳар бир шеърят шайдоси қалбидан ўрин эгаллади десак, муболаға бўлмайди. Шоирани ўзбек халқи бир умр қалб тўрида ардоқлаб келади.

Зулхумор АКБАРОВА
Саҳна ва экран санъати драматургияси бўлими 3-курс талабаси



Стемнело. Улицы стали тихими и пустынными. Всё вокруг замерло. Тишина укрывала, как одеялом, переулки, дворики, парки и, лишь на дорогах, редкое движение машин разрушает её, ослепляя фарами, оглушая ревом мотора и шлёпаньем колёс по снежной позёмке липких дорог. От света фонарей дороги кажутся изумрудными насыпями.

Тротуары переливаются, превращаясь в чистое белое полотно, а деревья, как могучие великаны, сражаются своим спокойствием и силой под насыпью только что напавшего снега.

Через тонкие щелки больших деревянных оконных рам, пробивается лёгкий, колючий, зимний холодок.

Свежестью основных веток наполнена большая гостиная с высокими потолками, старинной мебелью, плюшевыми портбеллами, картинами и низкой люстрой, свисающей над длинным столом, за которым, уже завтра, соберутся гости.

Приятный аромат пирогов наполнит весь дом. Яркие краски всевозможных салатов и экзотических фруктов разукрасят, будто кистью художника, шелковую кружевную скатерть.

Выставленные на праздничный стол высокие хрустальные бокалы, словно сказочным оркестром, зазвонят в колокола, исполняя свою торжественную музыку, аккомпанируя громкому звуку включённого телевизора. Замигают развешенные гирляндами огоньки маленьких фонариков на пышной нарядной ёлке, украшающей комнату.

Приятной суетой и хлопотами, восторгами и ожиданиями воцарится над всем домом, атмосфера завтрашнего дня.

— Доченька! Ты ещё не спишь? — полушёпотом спросила мама.

— Уже ложусь, — ответила я и, на цыпочках, стала пробираться по скрипучему паркету в свою спальню.

Чуть-чуть приоткрыв занавески, я увидела, как свет, от уличного фонаря опять зарыбил мелким потоком быстро летящего снега.

«Как красиво будет завтра!» — подумала я. Мама рядом...

Ольга ЛУКОЯНОВА
Ведущий концертмейстер кафедры
сценическое движение

АЁЛ ҲАҚИДАГИ ОДИЙ ҲАҚИҚАТЛАР

Эркак аёлни ожиза деб аташга ўрганиб қолган. Тўғри, эркак қудрати билан дунё қуради, лекин уни аёл истагига монанд қуради. Хўш, энди айтингчи, ким ожиза экан?

Виктор АЛИМАСОВ

Ҳамма нарса инсон қўлида, инсон эса аёл қўлида.

Александр ФЮРСТЕНБЕРГ

Аёллар жароҳатни боғлаш санъатини моҳирона билишадди, худди жароҳат етказиш санъатини билганлари каби.

Барбе Д'ОРВИЛ

...Бунча ёр васлига
ошиқмай десам,
Рухоний дунёнинг
буюк сири бор:
Мен нечун бандадай
ошиқман десам,
Аёл чиройида
Оллоҳ нури бор!..

Мирзо КЕНЖАБЕК

Токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, улар ҳақида ҳамиша нимадир янги гап айтиш мумкин.

С.БУФФЛЕР

Аёлга муҳаббат биз учун буюк, ҳеч нарсанинг ўрнини босолмайдиган аҳамият касб этади; у худди ғўшмага сепиладиган туздек: юракка сингиб, уни бузилишдан сақлайди.

Виктор ГЮГО

Аёлни севиш, у севги қандайлигидан ва ҳатто қанчалар уқубат келтиришидан қатъий назар, эркаклар учун ҳамиша фойдалидир, унда доимо нимадир бебаҳо нарса яширинган бўлади.

Максим ГОРЬКИЙ

ИҚРОРНОМА

Эркаклар номидан...

Баҳор ҳам асли гўзалликни сиздан олган...

Сизни гулга ўхшатгим келди. Аммо гул бир куни сўлиб, хазон бўлади. Мен эса сизни доим очилиб, яшнаб туришингизни истайман.

Ёнимизда бўлсангиз, қўлаб-қувватласангиз биз шундай кучга айланамизки, бизни ҳеч ким енга олмайди.

Биргина ишорангиз бутун ҳаётимизни ҳал қилади.

Сизни ранжитиш мумкинми, сизни севмай бўладими?!

Ҳамма дардларга чидашим мумкин, аммо кўзингиздан оққан ёшларга чидаб, қараб туролмайман.

Минг бора хато қилсангиз ҳам биз учун доимо мукамалсиз!

Биз учун ўзгаришингизни ҳожати йўқ. Сизни шундайлигингизча, борингизча севаверамиз!

Баъзида йиғлатасиз, қийнайсиз, азобларга маҳкум этасиз. Лекин ана шу қийноқларингиз билан ёқасиз.

Таҳририят ва нашриёт бўлими муҳаррири
Умида ҲАСАНОВА тайёрлади

Наврўз қадриятлари

Вақт бамисоли оқар дарё. Кечагина ҳамма ёқ оппоқ қорга бурканган, совуқ, қировли кунлар эди. Бугун эса дилларни яйратувчи, қалбларни ёшартирувчи, ижод аҳлига илҳом бахш этувчи гўзал БАҲОР фасли ҳукм сурмоқда. Баҳор фасли нафақат табиат гўзаллиги боис, балки байрамлар шоҳи Наврўзи айём билан кириб келиши туйғайли ҳам ўзгача ардоқланиб кутиб олинади. Чунки Наврўз байрами кўп асрлик тарихга эга бўлган, энг қадимий ва ўз ўрнида навқиронлик касб этувчи, Марказий Осиё халқларида ўзгача меҳр билан кенг нишонланиб келинган байрамдир.

Маълумки, ҳамал ойида ўлкамизнинг барча сўлим гўшаларида Наврўзи олам тантаналари давом этади. Майсаларнинг ажиб бўйи таралган далаларга миришкор деҳқонлар барака уруғи қадашга киришадилар. Наврўзда табиат уйғонади, деҳқон дилидаги мўл ҳосил тўплаш умидига қанот бахш этилади.



Зеро, XI асрнинг етук тилшуноси Маҳмуд Қошғарийнинг ёзишича, ўтмишда яшаган боболаримиз йилбошидан кейинги илк баҳор ойини «улуғ ой» ёки «умид ойи» деб атаганлар. Ўша даврларда ҳам Наврўзи оламни нишонлаш, кўпчилик бўлиб сайл-томошаларга чиқиш анъанага айланган эди. Киш бўйи сўлим фасл-баҳорни орзиқиб кутган одамлар ям-яшил далақирлар гулгун чечак таққан чоғларда очилиб-сочилиб лола сайлига отланидилар. Баҳор келиши билан баракали ҳосил олиш умидида яхши ният билан табаррук заминга уруғ қадаган бободехқонлар, қўй-қўзиларини ўт-ўланлар баравж бўлиб ўсган яйловларга ҳайдаган чорвадорлар йилбошидан кейинги ойни «умид ойи» деб аташларида катта рамзий маъно бор, албатта. Чунки йил янгиладиган, табиат яшаради-

ган, янги меҳнат мавсуми бошланадиган ажиб даврда инсон умидлари ҳам куртакланади. Шу боис аждодларимиз эзгу ният билан бошланадиган деҳқончилик ва чорвачилик мавсуми баракали бўлишига умид боғлаб, иш бошлашга одатланганлар.

Одатда, деҳқончилик билан боғлиқ юмушларни бажариш муддатлари кузда иссиқ ўлкаларга қишлаш учун учиб кетган мавсумий қушларнинг эрта баҳордан эътиборан юртимизга қайтиб келиши вақтига қараб белгиланган. Баҳорда қушлар учиб келадиган вақтда об-ҳавода муайян ўзгаришлар содир бўлади, деб ҳисоблайдилар. Ҳатто халқимиз орасида мавсумий қушларнинг кузда учиб кетиши ва кўкламда қайтиб келиши муддатларига асосланган ўзига хос фенологик тақвим ҳам юзага келган бўлиб, бу халқ ҳисоби «қуш қайи» ёки «долға ҳисоби» деб аталади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Наврўз инсон руҳини кўтарувчи, завқ-шавқ бағишловчи туйғулар, эзгуликлар байрамидир. Азал-азалдан Наврўз байрамида беморлар ҳолидан хабар олишган, гина-адонатлар унутилган, савобли ишлар билан шуғулланилган. Шу ўринда Шарқнинг машҳур алломаси Умар Ҳайёмнинг қуйидаги сўзларини эслаб ўтиш ўринлидир: «Ҳар ким Наврўзни байрам қилиб, шоду хуррамлик этса келаси йил — Наврўз келгунга қадар унинг умри хурсандчилик ва шодлик билан ўтиши муқаррар».

Азалий қадрият саналмиш Наврўз бундан буён ҳам қадриятларнинг кўзгуси сифатида қолаверади.

Эъзозхон МАХМУДОВА
Касб таълими: фольклор-этнографик жамоаларига раҳбарлик бўлими 2-курс талабаси

ИНТЕРВЬЮ С АКТРИСОЙ ОЛЬГЕЙ НУГАЕВОЙ – ИСПОЛНИТЕЛЬНИЦЕЙ ГЛАВНОЙ ГЕРОИНИ МАЙСАРЫ В НОВОМ СПЕКТАКЛЕ ТЕАТРА ОПЕРЕТТЫ «НАША МАЙСАРА»

Премьера нового спектакля «Наша Майсара» в постановке главного режиссера театра оперетты С.Каприелова представляет определенный интерес и для специалистов, и для зрителей. Это оригинальное произведение сатирической комедии Хамзы. Мы взяли интервью у актрисы Ольги Нугаевой:

— *Расскажите о вашей первой роли национального колорита.*

— Это роль Майсары. Она мне очень понравилась, я почувствовала, что Майсара ко мне «прилепилась», я с нею сжилась, поняла её, конечно, не сразу. Сначала я думала, как же я буду Майсарой. Ведь до этого играла светских, европейских героинь. И на них были роскошные платья, декольте, веер и совсем другой характер. И, вдруг, Майсара! (смеется) Но потом, уже в процессе репетиции, я стала чувствовать, что этот образ может быть близким мне, я стала понимать, что я к ней приближаюсь, она ко мне начинает становиться всё ближе и ближе. Искала моменты разгадки роли, наблюдала в автобусе женщин, которые могли быть похожи на характер, образ Майсары.



— *С этим автором вы впервые работали?*
— Да. Это интересный спектакль, интерпретация современная. Мы знаем «Проделки Майсары» Хамзы и С. Юдакова. Эта совершенно другая версия, которая подходила больше к нашему жанру, иная Майсара, музыка, постановка и декорация тоже.
— *Ваше мнение о партнерах по спектаклю.*
— Мои партнеры мне очень нравятся. Правда, в тех спектаклях роль Ойхон играла другая девушка. Когда в начале работы показывали — вот моя дочка, она была большая такая, как будто моя мама (смеется). Но с этой актрисой мы по комплекции подходили, как настоящие мама с дочкой, я такая худенькая и она также.
— *Вы бы хотели еще сыграть роли в национальных произведениях?*
— Конечно, почему бы и нет, мне очень понравилось. Я давно хотела что-то поменять, чтобы не было все одного стиля, одинаковых ролей. А это уже поиск для меня.

Во время интервью мы узнали, что актриса Ольга Нугаева откровенный, веселый, общительный, одним словом, замечательный человек. Мы желаем успехов в её творческой жизни.

Севинч ОДИЛОВА
Студентка 1-курса театроведческого отделения

ТЕЛЕВИДЕНИЕ ХАМ РАДИО РЕЖИССЁРЛЫҒЫ БӨЛИМИ

Жасларга танлаган кәсиби бойынша билим беріў, олардың еркин пикирлеўине, дәретиўшилиқ кәбилиетининң ашылып барыўына мүмкиншилиқ жаратып беріў, қалаберсе ҳәр тәрәплеме камил инсанлар етип жетилистиріў бизиң баслы максетимиз болып есапланады.

2014-2015 оқыў жылында бул бөлимге жети студент қабыл етилди. Оларға тийкарғы кәнигелик пәнлер бойынша, режиссура, актёрлық шеберлиги, сахна сөзи х.т.б., тәжирийбелі педагоглар билим берип келмекте. Топарға арнаўлы дәретиўшилиқ аудитория ажыратылған болып, ол заманагөй оқыў үскенелери менен үскенеленген. Бул нәрсе актёрлық шеберлиги хәм сахна сөзи пәнлерин тийкарғы кәнигелик болған режиссура менен байланыстырып барыўға, ҳәр бир өтилген жаңа теманы әмелият пенен бекемлеўге жақсы имканиятлар жаратылған хәмде бул өзиниң нәтижели тәсирин тийгизбекте.



Филиалда, соның ишинде телевидение хәм радио режиссёрлығы бөлимининң материаллық-техникалық базасын жақсылаў бойынша да айтарлықтай жумыслар исленип атыр. Оқыў студиясы хәм видеомонтаж бөлмелерин проектлестиріў хәм техникалар менен тәмийинлеў бойынша жумыслар алып барылмақта.

Студентлер телевидение хәм радио, соның менен бирге киноматография бойынша алған теориялық билимлерин Қарақалпақстан телевидениеси хәм радиосы, «Қарақалпақфильм» киностудиясы базаларында әмелиятта бекемлеп барады. Олар көрсетиўлер хәм еситтириўлер таярлаў, сүүретке алыў жумысларына катнастырылып, ол жерлерде өзлериниң үлкен қызығыўшылықлары менен көзге түспекте. Бул бойынша тийисли орынлар менен шәртнамалар дүзилген.

Телевидение хәм радио режиссёрлығы бөлиминде, улыўма филиал көлеминде «Ўстаз-шәкирт» мектеби дәстүри жақсы жолға қойылған болып, белгили көркем өнер шеберлери, режиссёрлар, актёрлар, жазыўшы хәм драматурглар менен тез-тез ушырасыўлар, дәретиўшилиқ кешелери өткерилип турылады.

Өзбекистан мәмлекетлик көркем өнер хәм мәденият институтының жаслары келешекте миллий мәдениятмыз, көркем өнеримиздиң раўажланыўы жолында аянбай хызмет ететуғын, хақыйкый дәретиўши, өз исиниң маман кәнигелери, пидайы инсанлар болып жетилисетуғынлығына гүман жок.

Бектилеў НИЗАМАТДИНОВ
Өзбекистан мәмлекетлик көркем өнер хәм мәденият институты Нөкис филиалының кафедрасы оқытыўшысы



СУМАЛАК ПИШИБДИ, КЎКЛАМИНГ ШУДИР...

Минг йиллик тарихга эга Наврўзи оламни байрамона кайфият бахш этувчи тансиқ таом — сумалак-сиз тасаввур этиб бўлмайди. Ривоят қилишларича, қадим-қадимда очликдан тинкаси қуриган, фарзандларини қандай егулик билан тўйдиришни билмай, боши қотган она қозон атрофида каловлана-каловлана, қўлига нима тушса, ўтми, гиёҳми, майсами, ҳатто майда тошларни ҳам ювиб, тарашлаб қозонга ташлайверибди. Шу тахлит ҳам илоҳийликка, ҳам шифобахшликка йўғрилган сумалак аталмиш мўъжизавий неъмат инкишоф этилибди.

Айни баҳор чоғи, илик узилди паллаларида баъзан ўзимизни беҳол, мажолсиз ҳолатда ҳис қиламиз. Кўкламнинг бемор нафаси сабаб ҳаракату шижоатимиз сустлашади, қувватимиз кетиб, танамизни мудроқ босади. Ана шу кезларда сумалак истеъмол қилиш кони фойдадир. Сумалакда минг тилсим яширин экан, уни бир бор тотган инсон минг дарддан ҳоли бўларкан.

Бу антиқа таомнинг фазилатларига ўзимизни қўя туринг, ҳатто Европа аҳли ҳам тан берган. Немис олимлари Эмерсон ва Эванс нишлаган бугдой майсасини обдон ўрганишибди. Бугдой таркибида «токоферол» моддаси бўлиб, у дармондорилиги жиҳатидан инсон организмни учун фойт зарур бўлган «Е» витаминининг нақд ўзгинаси экан! Шу далилнинг ўзи сумалак сеҳридан мужда эмасми?!

Дошқозонда хил-хил пишаётган сумалакда халқимизнинг эзгу орзу-ниятлари, бахт-иқболи, тинчлик-осойишталиги, шукроналик ҳисси, қўйингки, бор тилак-мақсудларини кўргандек бўламан. Сумалак сиртида бикирлаб-бикирлаб, таомнинг авжи адосига етганлигидан хабар бераётган пуфакчалар дилни яйратиб, қалбга тозариш, яшариш кайфиятини жо қилади. Баъзан қозон тагида росманасига «азобланаётган» тошларнинг «тарақа-туруқи» қулоққа хуш ёқмаса-да, ажиб бир илиқликка эш бўлиб, вужудимизга баҳорий кайфият, илкис туйғулар тароватини олиб кириди.

Қозон атрофида ўйин-кулгу қилиб, рақсага тушаётган момоларнинг нурли сиймосида, ҳар турли ҳиром айлаб, лапару ўланга ҳамроз бўлган қиз-жувонларнинг шодон кулгусида, сумалак пишишига сабри етмай, таомга мўлтираб қараётган болаларнинг беғубор нигоҳида англашиладиган ҳақиқат шуки, эсон-омон ҳароратли, файзиёб кунларга чиқиб олдиқ, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, шу сабаб хурсандчилик, куй-қўшиқ кўнгилга сиёяпти, дастурхонимиз тўкин-сочин, инчунун бободехқон бахтидан сарафроз, умид ила уруғ қадаепти, қут-барака сўраб дуо қияпти. Биргина сумалакда шунча фазилат, шунча эзгулик мужассам экан, қайси мардум уни бир бор тотиб кўриб, ҳам руҳий, ҳам жисмоний қувват олишни истамайди? Зеро, доно халқимиз топиб айтганидек:

**Фасли баҳор — сумалак,
Асли баҳор — сумалак,
Танга шифо — сумалак,
Қувватижон — сумалак.**

Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ
Театр санъати мутахассислиги 1-курс магистранти

ШОИРА ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

Яқинда институтимизнинг тиллар ва адабиёт кафедраси томонидан ахборот-ресурс марказида Зулфияхоним таваллудининг 100 йиллигига бағишланган «Шоира ҳақида хотиралар» номли адабий-бадий, ижодий кеча бўлиб ўтди. Тадбирни институтимизнинг илмий ишлар бўйича проректори Г.Халикулова очиб берди. У ўз нутқида Зулфияхоним ижодига бўлган чексиз ҳурмат ва садоқатини билдириб, шоира шеърларини ёддан ўқиди. Сўнг «Умр дафтари» сарлавҳаси остидаги шоиранинг ҳаётига бағишланган ҳужжатли видеоролик намойиш этилди.

Кечанинг меҳмони «Шуҳрат» медали соҳибаси, шоира Г.Тоғаева Зулфияхоним шахсини хотирлаб, ўз ижодидан лирик шеърларни тақдим этди. Айниқса, тиллар ва адабиёт кафедрасининг ўқитувчиси Б.Тўраева томонидан тайёрланган «Зулфиянинг ҳаёт йўли ва ижодий мероси» мавзусидаги маруза таъсирчан бўлди. Тадбирда яна «Зулфияхоним қизлари» шеърый композицияси, «Қалб садоси ёхуд тилга кирган сатрлар» номли адабий бадиа, «Зулфияга бағишлов» каби талабаларнинг чиқишлари барчага манзур бўлди. Зулфия мукофоти совриндорлари бўлган қизларнинг ижодий намойишлари ҳам кечага янада кўрк бағишлади.

Тадбир якунида доцент Раҳимбой Жуманиёзов Зулфияхоним ҳақидаги илиқ фикрларини билдириди. Кечага ташриф буюрган меҳмонларга институти-мизнинг махсус эсдалик совғалари топширилди.

Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ
Саҳна ва экран санъати драматургияси бўлими 2-курс талабаси

Навосоғ юраклардан ўлмас наво...

Хоразм — азал-азалдан ижодкорлар диёри саналди. Бу элнинг дилрабо оҳанглари, бошқа жойлардан ажралиб турувчи айтим йўллари бугун ҳам дилларни мафтун этиб келмоқда. Мазкур узок йиллик анъана бир қатор фидойи ва истеъдодли санъаткорлар ижоди билан Хоразм мактабининг шаклланишига сабаб бўлди. Ана шундай забардаст ва ўз услубига эга устоз санъаткорлардан бири Отажон Худойшукуровдир.

Кўклам арафаси ҳофизнинг ўзи таҳсил олган даргоҳ — Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтида 70 йиллик таваллуд айёми кенг нишонланди. Бу нафақат ижодкор шахси, қолдирган бой мусиқий меросига бўлган ҳурмат-эҳтиром, айти пайтда, Отажон Худойшукуров анъаналарининг устоз-шогирд кўринишида давом этаётгани ва ҳар бир юрак торларида унинг ўлмас наволари янграб турганидан далолатдир.



Тадбир Отажон Худойшукуров номидаги Республика жамғарма раиси Ибодулло Саъдуллаевнинг самимий сўзлари билан бошланиб, Ўзбекистон халқ артистлари Оролмирзо Сафаров, Ғафур Эшжонов, Фулом Эшжонов, Сойиб Ниёзов, Хайрулла Лутфуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Оғабек Собиров, Зафар Азизов, Хуррият Исроилова, Аҳмаджон Дадаев, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артистлар Бегиз Темурбаев, Тамара Худойназарова сингари бир гуруҳ санъаткорларнинг юбилей совғаси сифатида армуғон этилган дилтортар наволарига уланиб кетди.

Тадбир нафақат мусиқий чиқишлар, балки Отажон Худойшукуров билан елкадош бўлиб ижод қилган, дўст-ҳамроҳ тутинган яқинларининг самимий дил сўзлари, ижодкорнинг инсоний фазилатлари ҳақидаги хотиралари билан янада файзли тус олди. Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Эркин Мадраҳимов (Ошиқ Эркин) ҳамда Ўзбекистон халқ артистлари Санъат Девонов, Ёдгор Саъдиевлар Отажон Худойшукуровни алоҳида эслаб ўтишди. Тадбирдаги юқори кайфият ва Хоразм наволарининг жўшқин ҳарорати кеча якунига қадар давом этди. Байрам сўнгида институт ректори Бахтиёр Сайфуллаев Отажон Бахши Матёқубов, Отажон Қайроқ сингари умрини санъатга бағишлаган, Отажон Худойшукуров замондошлари бўлган фидойи ижодкорларни самимий қутлаб, уларга эсдалик совғалари топширди.

Гарчи Отажон Худойшукуров жисман бу ёруғ оламни тарк этган бўлса-да, руҳан кишилар хотирасида, қалб кўрида яшайверади. Йиллар карвони санъаткор ижодини авлоддан авлодларга элтади. Кўшиқлари мангу дилларда жаранглайверади.

Азиз МАТЁҚУБОВ
Санъатшунослик журналистикаси бўлими
4-курс талабаси,
Президент стипендияси соҳиб

ЗУЛФИЯХОНИМГА

Бул кун даврага Зулфияхон келдилар,
Баҳорларни етаклаб абри найсон келдилар.
Ўшал мағрур туришлар, ўшал ўйчан қарашлар —
Сокин кўнгил сўрашлар, хушу хандон келдилар.
Шеърдан чин маъно топиб, дур топиб, тилло топиб —
Ҳам дард, ҳам шифо топиб, булбулзабон келдилар.
Сўхбатлари самимий, ҳикматлари қадимий —
Бир ўзбакий, табиий, азиз инсон келдилар.
Фаришта — хур малакка, тоза ҳарир малакка —
Уриб қўйиб юракдан Ҳамид Олимжон келдилар.
Ишқни кийган икки дил, ишқни суйган икки дил,
Ишқ деб куйган икки дил, қандай ҳижрон келдилар.
Лекин синмади қалам, лекин тинмади қалам —
Дардга кўнмади қалам, ёзиб равон келдилар.
Муҳаббатнинг тимсоли, садоқатнинг тимсоли —
Бир Ўзбекнинг аёли, сўлим райҳон келдилар.
Тўйнинг тўри сизники, келинг Комила ая —
Икки юлдуз, икки шон, икки уммон келдилар.
Пойингизга тиз чўкиб, этагингиз ўпмоққа —
Водийларни оралаб шўху шодон келдилар.
Элим!

Асл истеъдод мангу яшар, ўлмайди —
Уларни қўллаб турган сара султон келдилар.
Бу юрт бир юрт бўлади, омон бўлсак кўрамыз,
Эрк байроғин кўтарган Ўзбекистон келдилар.

Юз ёшлик тўйларига Зулфияхон келдилар.



ОНАМ...

Қаранг, мақтовларга ўргандим, она,
Хушомад сўзларга илиниб қолдим.
Нега мен бу ерда ўзгардим, она,
Нега бағрингиздан юлиниб қолдим?!
Энди ҳар чехранинг муддаоси бор,
Энди мени жуда кўплар танийди.
Шунча мамнунликдан юз буриб ошкор,
Мени онам койиб берса қанийди.
Биламан, бугун ҳам тинганингиз йўқ,
Чарчоқлар енгмайди, кучлисиз, она.
Фарзандим деганда кўнглингиз ҳам тўқ,
Негадир умрбод бурчлисиз, она.
Кулиб турганингиз нақадар кўркам,
Рассом табиатнинг буюк асари.
Сизнинг қалбингизда муҳаббатлар жам,
Меҳрли сўзингиз умримнинг зари.
Мен учун ҳаётнинг юраги, онам...

Сирожддин РУСТАМ
Саҳна ва экран санъати драматургияси
бўлими 2-курс талабаси

Сайёра ТҶИЧЕВА



АЁЛ

Қуёш нуридек тиниқ меҳр
Жилва билан безанган аёл,
Оламларнинг сабоси сеҳр
Қудрат билан тебранган аёл.
Олам ичра садоқат сабр
Ҳаё билан бурканган аёл,
Юрагида матонат қадр
Бардош билан тинмаган аёл.
Юзларида кулгу ва ажин
Борлиқ ичра гўзалдир аёл,
Борлиқнинг у эгаси ахир
Оламда у тенги йўқ аёл.
Бир қафтида Ватан тупроғи
Ўз юртини ёритган аёл,
Бир қафтида фарзанд увоғи
Келажакни ёритган аёл.

Гулшона АДҲАМЖОНОВА
Касб таълими: чолғу
жамоаларига раҳбарлик
бўлими 3-курс талабаси



БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК АЗИЗ АЁЛЛАР!

Бу фоний дунёни тебратиб қўлда,
Бешиқда боласин овулган аёл.
Сендирсан Оллоҳни асрабон дилда,
Иймонни қутқарган муқаддас аёл.
Эй инсон, сажда қил аёл пойига,
Зеро, пайғамбар ҳам буюрган бун.
«Боламини асрагин» дея ҳар тонгда,
Волиданг дуода унутма шуни.
Муғаний, чал жўшқин байрам қил ўзбек,
Сенинг фариштангнинг айёми бу кун.
Аслида билгинки, эй ўзига бек,
Сенинг сариштангнинг айёми бу кун.

Машраб МАМАТОВ
Чолғу жамоаларига раҳбарлик бўлими
3-курс талабаси

БАҲОР

Юрагимга куртак илди,
Илиқкина, ажиб кўз ёш.
Ёнгинамга яқин келди,
Кўз қирини ташлаб қуёш.
Қуёш кулди менга қараб,
Интиқ эдим, ҳам интизор.
Қадами гул, сочин тараб,
Баҳор келар сочиб ифор.
Муз бўлаги учиб келиб,
Чил-чил бўлди тошга тегиб.
Ватанимдан чиқиб кетар,
Аёз бобо бошин эгиб.

Шоҳрух НЕЪМАТОВ
Саҳна ва экран санъати
драматургияси бўлими
2-курс талабаси

КАЙРОКИ ИБОРАЛАР

Атрофимдагилар «Севгилиси бор экан, муносабатлари жуда илиқ экан», деб ўйлашлари учун алоқа компанияларидан келадиган хабарларни ҳам кулиб ўқийман.

Биз у билан аразлашганимизда, у фақат мен билан мулоқотни узарди. Мен эса бутун дунё билан...

«Тежамли» лампочка сотиб олдим, чиндан электр токини тежаркан. Умуман ёнмаяпти.

Бобомдан бир нарс сўрагандим, 20 дақиқада 5

та янги мақол, 3 та ҳикматли сўз ва 1 та ривоят ўргандим. Лекин саволимга жавоб ололмадим...

Бошимни автобус деразасига қўйиб, романтик хаёллар сурай дегандим. Бошимни бир дақиқада 27 марта деразага уриб олдим. Аммо киноларда қаҳрамонлар бирор марта ҳам бу қўйга тушганини кўрмаганман.

Метрога чиқсам, икки қиз тап-отаяпти: «Нилу, Акшай Кумарга ўхшарканми?» «Уйланганмикан?». Ҳижолат бўлдим. Қизлар сизнинг ҳам ака-укаларингиз бордир?

Уйдагиларга оқ футболкамдаги мураббо доғини кўрсатгандим, роса койинди. Лекин кир ювиш кукунлари рекламаларида унақа эмас, кулиб, дарров ювиб беришади.

Ниҳоят излаганим — муҳаббатни топдим! Луғатда 278-бетда экан...

Леонардо да Винчи Мона Лизанинг лабларини чизишга 12 йил сарфлаган экан. Анжелина Жолининг лабларини чизишга умри ҳам етмас экан-да.

Муаллиф @ the _ inson

Муассис:

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти

Бош муҳаррир:
Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ

Таҳрир хайъати:
Гўзал ХОЛИҚУЛОВА
Ҳамдам ИСМОИЛОВ
Зулхумор НОРҚЎЗИЕВА
Антонина КОШЕЛЕВА
Умида ҲАСАНОВА
Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ

Саҳифаловчи-дизайнер:
Баҳром БОБОЖОНОВ

Таҳририят манзили: 100025 Тошкент шаҳри
М.Улугбек тумани, Ялонғоч мавзеси, 127 А уй
Тел.: +99890 349 71 72;
+99871 230 28 13
www.dsmi.uz; dsmi_info@olam.uz

Газета ҳар ойнинг охирига ҳафтасида «NISO POLIGRAF» МЧЖ босмахонасида чоп этилади.
Манзил: Ўрта Чирчиқ тумани, Оқ ота ҚФЙ, Машъал маҳалласи, Марказ — 1.

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида № 02-00166 рақами билан
2012 йил 19 декабрда рўйхатга олинган.

Газета институтнинг нашриёт-таҳририят бўлимида тайёрланди.
Ўлчами — А2, ҳажми — 1 босма табоқ
Нусхаси — 2000 дона. Баҳоси келишилган нархда.
Чоп этишга 20.03.2015 да топширилди.